

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулчехра Собиржонова Рахимова,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Қўқон давлат педагогика институти
rakhimova.80@bk.ru

ОЛМАЛИҚ ШАХРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ

For citation: Gulchekhra Rakhimova, REASONS FOR CHANGE IN THE ENVIRONMENTAL SITUATION IN ALMALYK. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.127-133

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583074>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср 40-80 йилларида Олмалиқ шаҳрида тоғ-кон, металлургия, рангли металл ва кимё саноат корхоналарининг қурилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари тарихий манбалар асосида баён этилган. Ишлаб чиқаришнинг беш йиллик режалар асосида тез суръатларда бажарилиши саноат корхоналарнинг моддий техник базаларига эътиборсизлиги, техник ускуналарнинг етишмаслиги оқибатида, саноат корхоналарнинг чиқиндилари ишчи ходимлар, атроф-муҳит, аҳолига етказган зарарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, атроф-муҳит, инсонлар, ишлаб чиқариш, сув, тупроқ, саломатлик, атмосфера ҳавоси, касалланиш.

Гулчехра Рахимова,
доктор философии по истории (PhD)
Кокандский государственный
педагогический институт
rakhimova.80@bk.ru

ПРИЧИНЫ ИЗМЕНЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АЛМАЛЫКЕ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе исторических источников описывается строительство и производственные процессы горнодобывающей, металлургической, цветной металлургии и химической промышленности в Алмалыке в 40-80-е годы XX века. Имеются сведения о быстром внедрении производства, запущенности материально-технической базы промышленных предприятий, отсутствии технической недостатка, в результате повреждение промышленных отходов на окружающую среду и насилению.

Ключевые слова: промышленные предприятия, окружающая среда, люди, производство, вода, почва, здоровье, атмосферный воздух, болезнь.

Gulchekhra Rakhimova,
Doctor of Philosophy in History (PhD)
Kokand State Pedagogical Institute
rakhimova.80@bk.ru

REASONS FOR CHANGE IN THE ENVIRONMENTAL SITUATION IN ALMALYK

ABSTRACT

This article, based on historical sources, the article describes the construction and production processes of the mining, metallurgical, non-ferrous metallurgy and chemical industries in Almalyk in the 40-80s of the XX century. There is information about the rapid introduction of production, the neglect of the material and technical base of industrial enterprises, the absence of technical deficiencies, as a result of damage to industrial waste on the environment and violence

Index Terms: industrial enterprises, environment, people, manufacturing, water, soil, health, atmospheric air, disease.

1.Долзарблиги:

Жаҳон давлатлари глобал иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳитдаги муаммоларни ечимида барчани ҳамкорлик, экологияга оид тадқиқотларни янада ривожлантиришга оид дастурларни қўллаб қувватламоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил, 26 ноябрдаги № 958-сонли «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисида [1] қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли илмий тадқиқотларни ривожланишига муайян даражада хизмат қилмоқда. Тарихий фактлар билан ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиш орқали экологик муаммоларга ечимлар излаш тарихчи тадқиқотчиларни вазифаларидан биридир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Олмалиқ шаҳри - Ўзбекистоннинг энг катта рангли металлургия марказларидан биридир. Олмалиқ шаҳри 1946 йилда Пскент тумани худудларида ишчилар шаҳарчаси тарзида юзага келган [2]. Олмалиқ шаҳри 1950 йилга келиб Ўзбекистон лойиҳалаштириш институти томонидан кўпгина лойиҳалар асосида саноатлаштирилган. Натижада, шаҳар 1951 йил 10 июлда Олмалиқ шаҳри сифатида алоҳида шаҳарча сифатида вужудга келди.

Олмалиқ шаҳрининг саноат корхоналари фаолиятига оид тадқиқотлар Н.Шукуров, А.Мундузова, Ф.Каримова, Э.Эгамбердиев, Д.Ким ва бошқалар [3] томонидан олиб борилган бўлиб, тадқиқотларда Олмалиқ шаҳрида жойлашган кимёвий комбинатларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотлари ва яратилган металллар ҳақида таъкидлаб ўтилган. Масалан, Д.Ким “Олмалиқ шаҳрида фаолият юритиб келаётган тоғ-металлургия комбинати Ўзбекистоннинг четга 11 турдаги рангли металлларни экспорт қилиши билан иқтисодиётимизда муҳим аҳамиятга эгадир” [4], -деб таъкидлайди.

Олмалиқ саноат корхоналарнинг чиқиндиларини аҳоли, ишчи ходимлари саломатлигига, сув ва атроф-муҳитга салбий таъсирлари борасида А.Руденко, К.Турсунбаев, А.Абдуазимова ва бошқаларнинг [5] тадқиқотларида маълумотларни кўриш мумкин.

Жумладан А.Руденко “1950 йилда саноат корхоналарнинг интенсив равишда ривожланиши Олмалиқ шаҳрида 1990-йилларга келиб атроф-муҳитнинг кимёвий техноген ифлосланишни кучайишига олиб келди. Олмалиқ шаҳрида барча ер ости сувлари таркибида Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати чиқинди элементлари меъёридан ортиқ кўп бўлди. Бу эса, сувларни фойдаланишга яроқсиз ҳолатга олиб келган” [6]. Тадқиқотларда Олмалиқда фаолият юритиб келган саноат корхоналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсирлари ўрганилишига қарамай, саноат корхоналарнинг нима сабабдан шаҳар экологиясига таъсири кескинлашиб борганлигини алоҳида тадқиқ қилинмаган.

3. Тадқиқот натижалари:

1954 йилда Олмалик шахрида металлургия-кон комбинатларини қурилиши Ўзбекистон иқтисодиётида рангли металлургия ишлаб чиқаришда муҳим қадам бўлганди. 1962 йилда эса Олмалик шахрида биринчи бор ўлкада мисни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши рангли металл билан ишлашнинг янги усуллари юзага келтирилган. Мис қайта ишлов беришда асосан кимёвий воситаларнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Мис, тоғ-кон металлургиялари учун олтингугурт кислота ва суяк олтингугурт моддаларини ишлаб чиқариш саноат корхоналари қурила бошланган. Оқибатда, барча саноат корхоналари кимёвий воситаларга боғланган ҳолда ишлаб келган саноат мажмуаси вужудга келганди. Олмалик совет иттифоқи даврида кимёгарлар шахарчаси номи билан танила бошлади. Лекин, Ўзбекистон лойиҳалаштириш институти лойиҳалари асосида қурилган Олмалик шахридаги кўплаб саноат корхоналари талаб даражасида бўлмади.

Олмалик шахридаги Ўзбекистон Лойиҳалаштириш институти томонидан тақдим этилган лойиҳалар, объектларни қурилиши давомида атроф-муҳитни муҳофаза тизимлари инобатга олинмаган ҳолатда бажарилган. Олмалик тоғ-металлургия, металл қайта ишлов бериш ва мис-кон комбинатларида заҳарли газларни ушлаб қолиш ускуна ва қурилмалари техник стандарсларга жавоб бермасди[7].

Олмалик шахрида геологлар томонидан тупроқ, сувлари ва атмосфера ўрганилиши давомида турли кимёвий саноат корхоналарининг бир жойга тўпланиб қолиши натижасида тез орада шахарнинг экологик ҳолатини бузулишига олиб келганлигини таъкидлаб ўтганлар. 1960 йилда Олмалик шахрининг Қўрғошин ва Қалқамир худудларининг атмосферасида 80 фоиз кимёвий воситалардан ифлосланганлигини аниқлашган[8].

1974 йил СССР Министрлар Совети томонидан барча республикалардаги саноат корхоналарининг санитария-гигиеник талабларга жавоб бериши бўйича назорат ўтказилган. Назорат давомида Ўзбекистон ССРда Олмалик ва Фарғона шахарларидаги саноат корхоналарининг санитария-гигиеник талабларга жавоб бермаслиги аниқланиб, мазкур шахарлар “қора рўйхат”га олинганди[9]. Олмалик шахрида атмосфера ҳавоси ва сувлар таркибида кимёвий чиқиндилардан ифлосланиш даражаси юқори бўлган. Шунинг учун шахарнинг ичимлик сувлари ва атроф-муҳитидаги муаммолар аҳоли саломатлигида ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Собик иттифоқ даврида саноат корхоналаридаги маблағларни иқтисод қилиш борасида турли қарорлар қабул қилинди. Тежамкорлик масалалари саноат корхоналарига четдан келаётган техник ускуналарни сотиб олиш жараёнларини пасайтиришдан иборат бўлди. 1976 йилда “1976 йилда Ўзбекистон ССР давлат режасини бажарилишида халқ хўжалигини ривожлантириш масалалари”[10] қарори қабул қилинди. Қарор ижроси бўйича Олмалик шахридаги кимёвий саноат корхоналарида режалаштирилган техник қурилмаларни сотиб олиш, техник ва корхона таъмири ишлари тўхтатилган. Аслида Ўзбекистонда пахта маҳсулотларининг етиштириш ҳажмининг камайиши саноат корхоналарига кетаётган маблағларни тежаш билан ёпила бошлаган. Пахта ҳосилдорлигини пасайиши кимёвий чиқиндилар таъсири бўлаётгани исботланмаган. Халқ иқтисодиётини кўтариш саноат корхоналарининг ҳаражатларини тежаш ҳисобига олиб борилган.

Олмалик-Оҳангарон шахарларида атмосфера ҳавоси, сувла ва тупроқлар кимёвий чиқиндилардан катта ҳажмда ифлосланган. Олмалик тоғ-металлургия, Олмалик кимё заводи, Оҳангарон цемент, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводини атмосфера ҳавосининг 97 фоиз ифлосланишига[11], эскирган чиқинди тозалаш қурилмаларининг тамирланмаганлиги сабаб бўлди. Бу корхоналар таркибига Чирчиқ электрохимкомбинат, Самарқанд суперфосфат заводи, Фарғона азотли ўғитлар заводи, Навоий азот, Олмалик кимё заводи, шунингдек Фарғона гидролиз, Андижон гидролиз заводини киритиш мумкин. Ушбу саноат корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирлари йиллар давомида ортиб борган.

Олмалик шахрининг халқ назоратлари комитети томонидан 1982 йилги назоратларида, Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг атмосферага зарарли чиқиндиларини ташлашни қисқартириш бўйича белгиланган вазифаларни бажарилиши

натижалари аниқланган. Олмалик тоғ-металлургия комбинати (АГМК)да чиқинди захарли чанглари ушлаб қолиш ускуналарнинг назоратга олинмаганлиги, атмосфера муҳофаза тизимлари бўлган, 37 та манбадан 25 та газларни тозалаш манбалари ишламасдан келаётгани, оқибатда, атмосферага ташлаб келинаётган чиқиндиларни 78,1фоизи тозаланмасдан чиқариб юборилаётгани аниқланган[12]. Шаҳарнинг атмосферасида диоксид азотли, аммиак, сульфат кимёвий захарли чанглари белгиланган концентрация нормаларидан 5 баравар юқори бўлган[13]. Саноат корхоналаридаги носоз тозалаш қурилмаларнинг ўз вақтида тузатилмаслиги кераклиги, қурилма техник қисмларининг етарли даражада бўлмаганлиги ишлаб чиқариш жараёнларида сифатсиз маҳсулотларни ва ишчиларни захарли газлардан захарланишида саломатлигига таъсир этган.

Олмалик шаҳрининг “Алмаликсвинецстрой” Олмалик кўрғошин комбинатида чиқиндиларни тозалаш қурилмаларнинг ҳолатлари бўйича маълумотлар жамланган ва режа бўйича таҳлил этилганида, амалда кўплаб қурилмаларнинг ишламай келаётгани аниқланган. Жумладан, термоизоляция 8 тадан 3 та, газ тозалаш 32 тадан 15 та, ҳаво ҳайдаш қурилмаси 40 тадан 19 таси ишламай келган[14]. Таъмиргалаб бўлган кимёвий саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари тўхтатилмади. Корхона ишчи ходимларининг меҳнат муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар ҳам талаб даражасида бўлмади. Олмалик кимё саноат корхоналарида шифокорлар етишмаган. Ишчи ходимларнинг баъзан иш жараёнларида кўрсатиладиган биринчи ёрдамлар ҳам ўз вақтида олиб борилмасди. 1980 йилда Олмалик шаҳар шифохоналарига 104 нафар Олмалик тоғ-металлургия ишчи ходимларнинг захарланган беморлари рўйхатга олинган[15]. Бундай ҳолатлардан Олмалик кимё, тоғ-металлургия ва металлга қайта ишлов бериш саноат корхоналарида чиқиндиларни тозалаш қурилмаларини танқислиги атроф-муҳит ва аҳоли экологиясида салбий муаммоларга сабаб бўлди.

1985-1986 йилларда Олмалик ва Оҳангарон шаҳарлари ер ости сувларининг саноат корхоналари чиқиндиларидан ифлосланиши аҳоли ичимлик сувларига таъсир этиб, сувларни истиёмолга яроқсиз ҳолатига олиб келди. Олмалик шаҳрига яқин Сартамғалий ва Суюнбулоқ сойлари аҳолини экинларни суғоришда катта аҳамият касб этарди. Соиларнинг саноат корхона чиқиндиларидан ифлосланиши, деҳқончилик, чорвачиликда сувлардан фойдаланиб бўлмайдиган даражага келиб қолган[16]. Шундай ҳолатларда ҳам Олмалик шаҳридаги кимёвий саноат корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қурилмалари назоратсиз ва носоз ҳолатда ишлаб келди. 1986 йилда Олмалик кимёвий саноат корхоналарининг атроф-муҳитга келтираётган зарарларидан аҳоли шаҳар ҳокимликларига мурожаатнома йўлади. Мурожаатномада, Олмалик худудларида фаолият олиб бораётган кимёвий саноат корхоналар капитал таъмирга муҳтожлиги ва чиқиндиларини тозалашга алоҳида қурилмалар учун маблағлар ажратилишини сўраб мурожаат қилган[17].

1987 йил ЎзГедроМед таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистонда 102 та аҳоли истиқомат қилиб келган шаҳарларда саноат корхоналарининг таъсири натижасида атмосфера ҳавоси ва сувлар 10 бараварга ифлосланган. Экологик жиҳатдан хавфли бўлган ушбу худудларда аҳоли орасида ўткир аллергик касалликлар ортиб борган. Ижтимоий-экологик муаммолар аҳоли турмуш шароити ва экинларнинг ҳосилдорлигига жиддий таъсир этиши иқтисодий жиҳатдан республиканинг 55-60 миллиард рубль йўқотишига сабаб бўлди[18].

1987 йилда Олмалик ва Ангрен шаҳарлари аҳолиси орасида касалланиш сонининг 1.5 бараварга ортиши экологик ҳолатдаги тангликдан дарак берган. Атмосфера ҳавосининг кимёвий чангларидан ифлосланиши аҳоли орасида ўпка касалликларининг юзага келаётганини кўрсатган. Шаҳарларнинг атмосфера ҳавосида 105 та кимёвий зарралар борлиги ва шундан 15 таси ўта захарли кимёвий чанг зарралари бўлиб, бу зарраларнинг инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириши тиббиёт тадқиқотчилари томонидан таъкидланди[19]. Ўзбекистонда 35 000 та тупроқ, сув ва атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олиш қурилма манбалар ишлаб келган. Ушбу қурилмаларнинг 471 та саноат корхоналарига тақсимланганида, фақат 55 та саноат корхоналарни чанг ва газларни

ушлаб қолиш ускуналари билан таъминланган. Қолган саноат корхоналарида чиқиндиларни тутиб қолиш техникава қурулмалари етишмади, ишламасдан келган.

1987 йил таҳлилларига кўра Олмалиқ шаҳрида кимёвий корхона ташлама сувларидан зарарланиш ичимлик сувларига ҳам таъсир этди. Шаҳардаги ичимлик сувлари истеъмолга яроқсиз бўлиб, сувнинг таркибида саноат корхонанинг кимёвий металл чиқинди аралашмалари мавжуд бўлган. Сифатсиз ичимлик сувлари аҳоли орасида паратиф, ичакда турли инфекцияларнинг пайдо бўлиши каби касалликларни тарқалишига сабаб бўлди. 1987 йилда Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари аҳолисининг сувдан заҳарланиш касалликлари 4 баравардан 26 бараварга ортган[20].

Олмалиқ тоғ-кон саноат корхонасида техник носозлиги туфайли чиқиндилари Чирчиқ дарёси сувлари таркибига таъсир этган. Олмалиқ тоғ-металлга ишлов берувчи саноат корхонасидан металл чиқиндилар, серно кислоталар, тоғ жинслари чиқинди сувлари аралашмаси Чирчиқ дарёси сувларини ифлослаб келган. Чирчиқ “Электрохимпром” саноат корхонасининг Чирчиқ дарёсига салбий таъсири аҳоли ҳаётига хавф солиб келди. Кимёвий чиқиндилар таъсири дарё оқими бўйлаб жойлашган шаҳар ва қишлоқларда аҳоли, болалар орасида гепатит ва ошқозон-ичак касалликларини юқори бўлишига олиб келган[21]. Чирчиқ кимё саноат корхонасининг пахта майдонлари ҳосилдорлиги ҳам четлаб ўтмади. Ўта заҳарли кимёвий чиқинди сувлар тупроқ сифатини ҳам ўзгартирган. Тошкент вилоятининг 15 фоиз пахта экин майдонлари тупроқ эрозияси касаллигига чалинганди. Тупроқнинг марганец, хром, никел элементлари билан ифлосланиши тупроқдаги тириклик муҳитини издан чиқарган.

1980 йилларнинг охирига келиб Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳар ойда атмосфера хавоси, сув ва тупроқ таркибидаги зарарли кимё, қурилиш маҳсулотлари чиқиндиларининг таркиблари ўрганила бошланган. Ўзбекистон рўзномаларида Ўзбекистон Узгидромет ва Госкомприрода хабарига кўра ҳар ойда республиканинг барча вилоят ва шаҳарларида кузатувлар ташкил этилган. Оғир саноат корхоналарнинг табиатва аҳолига етказаетган зарарлари ҳақида хабарномалар ташкил этилган. Ўзбекистонда жойлашган табиатга, атроф-муҳитга кўплаб зарар етказаетган саноат корхоналари танқид қилиниб борилишига қарамасдан, кўплаб кимё саноат корхоналари аҳоли ўрганилмаган ва техник тозалаш ускуналарисиз ишлаб келаверган. Баъзи оғир саноат корхоналарнинг ёпилишини талаб этиб чиқиш ҳолатлари ҳам бўлган. Лекин бу мурожаатлар фақат қоғозларда бажарилди.

Маълумотларда, 1980 йилларнинг охирида Чирчиқ, Олмалиқ тоғ-кон, кимё саноати, цемент, Тошкентдаги кимё саноат корхоналари Сирдарё сувларини кўпроқ ифлосланишига сабаб бўлган саноат корхоналари қаторига киритилганлиги таъкидланган[22].

Лекин, 1990 йилга келиб, Ўзбекистонда атроф-муҳитга кўплаб зарар келтираётган саноат корхоналари фаолияти тўхтатилиши юзасидан чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон бўйича 1500 та экологик жиҳатдан хавфли ва зарарли цехлар ва фабрикалар ёпилган. Тошкент, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларидаги аҳоли саломатлигига салбий таъсир этиб келаетган саноат корхоналарининг барчаси тўхтатилди[23].

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Олмалиқ шаҳридаги тоғ-металлургия саноат комбинатлари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этсада, лекин табиати ва аҳолисининг саломатлиги билан боғлиқ масалаларига жиддий таъсир этди. Кимё ва тоғ-металлургия саноаткорхоналари табиатни муҳофаза қилиш қурилмалари билан етарли даражада таъминланмади. Металл ва кимёвий чиқиндилар Олмалиқ шаҳрининг экологик ҳолатини издан чиқишига олиб келган. Олмалиқ шаҳрида жойлашган саноат корхоналарнинг салбий таъсирларидан аҳоли норози бўлди. Чунки, аҳолининг чорвачилик ва деҳқончилик соҳаларига кимёвий чиқиндилар жиддий ҳавф сола бошлаганди. Кимё, тоғ-кон ва рангли металл саноат корхоналари чиқиндилари сув, тупроқ ва атмосферанинг ифлосланиши ўсимликлар ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари рўйхати. Lex.uz. <https://nrm.uz>. 2020 йил, 28 октябрь. 15.24 (List of resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. Lex.uz. <https://nrm.uz>. 2020 yil, 28 october.15.24)
2. Алмалык. Материал из Википедии — свободной энциклопедии. Almalyk. From Wikipedia, the free encyclopedia. <https://ru.wikipedia.org/wiki>. (<https://ru.wikipedia.org/wiki>).
3. Шукуров Н. Экогеохимия техногенных ореолов рассеяния (на примере Алмалыкского горно-металлургического комбината). Дис. ... канд.геолого.минералог.наук –Ташкент. 1999. 154.с.; Мундузова А. Золотоносность среднепалеозойских терригенно-карбонатных толщ Алмалыкского рудного района (центральный блок). Дис....канд.геолого.минералог.наук. –Ташкент. 2005. 110.с.; Эгамбердиев Э. Платиноносность серебро и золоторудных месторождений Алмалык-Ангренского рудного района. Дис..канд. геол.-минерал. наук. –Ташкент. 2011. 124.с.; Каримова Ф. Петрология плутонических даек золото-серебряных месторождений Кызылалмасайского рудного поля (Алмалык-Ангренский горнорудный район). Дис..д-ра филос. по геолог.-минерал. наукам –Ташкент. 2018.124.с.; Ким Д. Повышение энергоэффективности производство черновой меды на АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат». Дисс. канд.тех.наук. (PhD). –Ташкент. 2019. 124. с. (Shukurov N. Ecogeochemistry of technogenic dispersion halos (on the example of the Almalyk mining and metallurgical plant) Dis..cand..geol-miner..sciences. - Tashkent,1999,154.p.; Munduzova A. Gold content of the Middle Paleozoic terrigenous-carbonate strata of the Almalykore region (central block) . Dis...cand..geol-miner..sciences.- Tashkent.2005.110.p.; Egamberdiev E. Platinum-bearing silver and gold deposits of the Almalyk-Angrenore region. Dis.cand..geol-miner..sciences.-Tashkent.2011.124.p.; Karimova F. Petrology of plutonic dikes of gold-silverdeposits of the Kyzylalmasay ore field (Almalyk-Angren mining region). Dis...Dr. Philos. By geol-miner..sciences. - Tashkent. 2018.124.p.; Kim D. Improving energy efficiency in the production of blister honey at JSC "Almalyk Mining and Metallurgical Plant". Dis.cand..econ..science.(PhD). -Tashkent, 2019. 124.p.)
4. Руденко А. Загрязнение орошаемых массивов сточными водами(на примере Алмалыкской промышленной зоны).Дисс.геол-минер. канд.наук. –Ташкент. 2005. 128.с.; Турсунбаев К. Гигиеническое обоснование лечебно-профилактического питания работающих на Алмалыкском горно-металлургическом комбинате (АГМК). дис. канд. мед. Наук. –Ташкент. 2008. 133.с.; Абдуазимова А. Адаптация к зубным протезам у рабочих Алмалыкского горнометаллургического комбината. дис. ... канд. мед. наук –Ташкент. 2005.118.с. (Rudenko A. Pollution of irrigated areas with wastewater and (on the example of the Almalyk industrial zone) Diss..geol-miner..cand..science -Tashkent, 2005.128.-p.;Tursunbaev K. Hygienic substantiation of therapeutic and prophylactic nutrition of workers at the Almalyk Mining and Metallurgical Combine (AGMK). Dis.cand..econ..science. –Tashkent. 2008.133.p.; Abduazimova A. Adaptation to dentures among workers of the Almalyk mining and metallurgical plant. Dis..cand..econ..sciences.- Tashkent. 2005.118.p.
5. Руденко А. Загрязнение орошаемых массивов сточными водами(на примере Алмалыкской промышленной зоны).Дисс.геол-минер. канд.наук. –Ташкент. 2005. –С. 6. (Rudenko A. Pollution of irrigated areas with wastewater and (on the example of the Almalyk industrial zone). Diss . Geol-miner..cand..of science -Tashkent. 2005 . -P. 6.)
6. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-675, варақ-2. (Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case - 675, sheet-2)
7. Руденко А. Загрязнение орошаемых массивов сточными водами(на примере Алмалыкской промышленной зоны).Дисс.геол-минер. канд.наук. –Ташкент. 2005. –С.

17. (Rudenko A. Pollution of irrigated areas with wastewater and (on the example of the Almalyk industrial zone). Diss..geol-miner..cand..of.science -Tashkent. 2005 . -P. 17.)
8. Ахмедов Э. Города и охрана окружающей среды. Коммунист Узбекистана. 1989 год №9 сентябрь. –С. 76 (Akhmedov E. Cities and environmental protection. Communist of Uzbekistan. 1989 № 9 September. –P . 76)
9. ЎзР МА. Фонд-Р-837,рўйхат-41,иш-3766, варақ-185.(NA of the Republic of Uzbekistan. Fund-R-837, list-41, case-3766, sheet-185.)
10. ЎзР МДА. Фонд-Р-837,рўйхат-41,иш-6300, варақ-1. (NA of the Republic of Uzbekistan. Fund-R-837, list-41, case-6300, sheet-1.
11. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-675, варақ-1. (Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case -675, sheet-1.)
12. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-675, варақ-14. (Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case -675, sheet-14.)
13. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-675, варақ-20. (Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case -675, sheet-20.)
14. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-675, варақ-71.(Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case-675, sheet-71.)
15. Ўз МА, Фонд-837, рўйхат-41, иш-6300, варақ-3.(NA of the Republic of Uzbekistan Fund-837, list-41, case-6300, sheet-3.)
16. Олмалик шаҳар давлат архиви. Фонд-247, рўйхат-1, иш-676, варақ-29. (Almalyk city state archive. Fund-247, list-1, case-676, sheet-29.)
17. Ахмедов Э. Города и охрана окружающей среды. Коммунист Узбекистана. 1989 год №9 сентябрь. –С. 77.(Akhmedov E. Cities and environmental protection. Communist of Uzbekistan. 1989 № 9 September. –P.77.)
18. Бахромов С. Здоровоохранения Узбекистана: проблемы и перспективы. Коммунист Узбекистана. 1988 год № 7 июль. –С. 28. (Bakhromov S. Healthcare of Uzbekistan: problems and prospects. Communist of Uzbekistan. 1988 №. 7 July. –P . 28.)
19. Бахромов С. Здоровоохранения Узбекистана: проблемы и перспективы. Коммунист Узбекистана. 1988 год № 7 июль. –С. 30. (Bakhromov S. Healthcare of Uzbekistan: problems and prospects. Communist of Uzbekistan. 1988 №. 7 July. –P. 30.)
20. Набиев А. Экологические бедствие: проблемы и решения. Коммунист Узбекистана. 1989 год. №9 сентябрь. –С. 58.(Nabiev A. Ecological disaster: problems and solutions. Communist of Uzbekistan. 1989 № 9 September.–P.58.)
21. Проблемы развития экономики Узбекистана. Ташкент. Издательство Академии наук Уз ССР. 1990. –С. 156.(Problems of development of the economy of Uzbekistan. – Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1990. –P.156.)
22. Бить на земле хозяином. Партийная жизнь. 1990 год №9 сентябрь. –С.47.(Beat on the ground by the master.Party life. 1990 № 9 September. -P.47.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000